

ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ

Назарқосимов Сарвар Инатиллаевич
социология фанлари доктори (PhD)
social@umail.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада ижтимоий ҳаёт тенденцияларини ўрганишда эмпирик тадқиқотларнинг ўрни, жамият ижтимоий соҳасини ривожлантириш истиқболларини прогнозлаш муаммолари ўрганилган. Шунингдек, ижтимоий соҳадаги ислохотлар стратегиясини белгилаш бўйича илмий ечимлар берилган. Сир эмаски, инсон манфаатларини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмларини яратиш ижтимоий ҳаёт ўзгаришларини эмпирик ўрганишни талаб этади. Социологларнинг фикрига кўра, эмпирик тадқиқотларни ижтимоий тараққиёт талаблари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ тарзда олиб бориш илмий изланишларга ҳаётийлик ва динамизм бахш этади. Ижтимоий соҳа тараққиёти талаблари ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳам айнан эмпирик услублар воситасида амалга оширилмоғи зарур.

Калит сўзлар: ахборот, прогноз, ижтимоий прогнозлаш, ижтимоий соҳа, гипотеза, прогностика, футурология, миграция, Ҳаракатлар стратегияси, трансформация.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль эмпирических исследований в изучении тенденций социальной жизни, проблемы прогнозирования тенденций развития социальной сферы общества. Также, предоставляются научные решения по определению стратегии реформ социальной сферы.

Не секрет, что создание влиятельных механизмов осуществления интересов человека требует эмпирическое изучение жизненных перемен. По мнению социологов, проведение эмпирических исследований в соответствии с требованиями и потребностями социального развития придает жизненность и динамизм научным исследованиям. Изучение требований и потребностей развития социальной сферы, также должен осуществляться посредством эмпирических методологий.

Ключевые слова: информация, прогнозирование, социальное прогнозирование, социальная сфера, гипотеза, прогноз, футурология, миграция, стратегия действий, трансформация.

ANNOTATION

The article examines the role of empirical research in the study of trends in social life, the problem of forecasting trends in the development of the social sphere of society. Also, scientific solutions are provided to determine the strategy of reforms in the social sphere.

It is no secret that the creation of influential mechanisms for the realization of human interests requires an empirical study of life changes. According to sociologists, conducting empirical research in accordance with the requirements and needs of social development gives vitality and dynamism to scientific research. The study of the requirements and needs of the development of the social sphere should also be carried out through empirical methodologies.

Keywords: information, forecasting, social forecasting, social sphere, hypothesis, prognosis, futurology, migration, action strategy, transformation.

Прогноз (башорат қилиш) – келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишнинг кутилаётган векторини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар кўринишида эҳтимол тутилаётган ҳодисалар, жараёнлар ҳақидаги билимдир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, фаннинг мақсадлари воқелик жараёнлари ва ҳодисаларини унинг кашф этилган қонунлари асосида тавсифлаш, тушунтириш ва башорат қилиш билан боғлиқ бўлиб келган. Прогнознинг аниқлиги ва ишончлилиги кўп жиҳатдан унга асос бўлган назарий билимлар билан бирга, ижтимоий ҳаётнинг ўзгарувчан белгиларига ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, замонавий илмий билиш босқичида прогноз ахборот базасини ташкил қиладиган билимларнинг ҳақиқийлигига қараб, унинг аниқлиги ва ишончлилигига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши талаб этилади. Прогнозларнинг аниқлиги прогнозни ким ўтказиши, яъни прогнозчига боғлиқ бўлади. Бунда, бизнинг назаримизда, прогнозчининг хатолари англамаган ёки онгли ҳам бўлиши мумкин. Кейинги ҳолатда илмий прогноз самарадорлиги унинг нафақат аниқлиги, балки унинг холислиги ва қўйилган мақсадга мувофиқ келиши билан белгиланади [1.С54].

Демакки, ҳозирги даврда жамият ҳаёти барча жабҳаларининг кейинги ривож илмий мулоҳазаларсиз ва унинг асосида келажакни илмий башорат қилиш асосида олдиндан кўра билишсиз мумкин эмас. Воқеалар давомини

олдиндан кўра билиш, уларни мулоҳаза этиш, ходисалар ўзаро алоқадорлигини очиш фан мавжудлигининг зарурияти бўлиб, улар амалий фаолият учун хизмат қилади. Зеро, илмий билиш табиий ва ижтимоий муҳитни ўзгартиришда инсоннинг асосий қуролига айланиши лозим. Жамият ҳаётининг диққат марказида инсон турар экан, *ижтимоий прогнозлаш* ижтимоий жараёнлар ва муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ижтимоий прогнозлаш бу – ривожланиш вариантларини аниқлаш ва улар орасидан энг мақбули ва оптимал вариантни танлаш бўлиб, бу вариантни танлаш ўз навбатида уни амалга оширишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий имкониятлар ва вақт ресурсларини инобатга олишни талаб этади [1.С.36].

Ижтимоий прогнозлаш кўпвариантли ва эҳтимолий характерга эга альтернатив ечимлардан бирини танлаш ва уни чуқур таҳлил қилишни ўз ичига олиши боис, ижтимоий соҳа динамикасини қўйидаги йўналишларини биз ўз тадқиқотимиз доирасида функционал жиҳатдан белгиладик:

а) *йўналтирувчи* – ижтимоий соҳа ўзгаришларига эришиш воситаларини оптималлаштириш;

б) *норматив* – ижтимоий эҳтиёжларнинг муҳим динамик тенденцияларини аниқлаш ва келажакда уларни қондириш имкониятларини излаб топиш;

с) *огоҳлантирувчи* – ижтимоий ривожланиш тенденцияларида намоён бўладиган эҳтимолий характерга эга оқибатларни таҳлил қилиш ва тавсифлаш.

Биз ишимизда шунингдек инсонларнинг яшаш тарзига таъсир кўрсатувчи ижтимоий соҳанинг турли аспекти ўзгаришларини назарда тутдик. Шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳаётни таҳлил қилиш ва ижтимоий жараёнлар прогнозини маълум даражада амалга ошириш борасида қўйидаги йўналишларни белгиладик:

1) аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасини бошқаришни прогноз ечимлари билан таъминлаш;

2) ижтимоий соҳада юз бериши эҳтимоли бўлган жараёнлар ҳақида огоҳлантириш ва уларнинг олдини олиш ечимларини тақдим этиш;

3) бозор иқтисодиётига асосланган ривожланиш тизимига ўтишда турли оилаларда (ёш, кўп фарзандли, нотўлиқ, қочоқ, ҳарбий, кекса) юзага келувчи ижтимоий оқибатларни ўрганиш ва ижобий ўзгаришларнинг амалга ошишига имкон яратиш;

4) ёшларнинг ижтимоий -демографик таркиби, ўсмирларнинг ижтимоий муаммолари, иш билан банд ва ишсиз ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ёшлар орасидаги миллатлараро низоларни прогнозлаш тадқиқотларини ўтказиш ва ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг амалий тавсияларини ишлаб чиқиш;

5) бозор иқтисодиёти шароитида хусусийлаштиришнинг ижтимоий оқибатларини тадқиқ этиш ва улар асосида прогнозли тавсияларни тақлиф этиш;

6) мамлакатимизда сўнгги йилларда юз бераётган ўзгаришларнинг ижтимоий соҳага таъсирини тадқиқотлар билан прогнозлаш ва б.

Хуллас, келажакни олдиндан кўриш ва прогнозлаш ижтимоий соҳанинг турли йўналишларида юз бераётган жараёнларга ижобий таъсир ўтказиш ва ўз вақтида салбий оқибатларни олдини олишга ёрдам беради.

Энди жаҳонда юз бераётган глобализация жараёнлари воқелигидан келиб чиққан ҳолда глобал прогностика масалаларига ҳам бироз тўхталсак. Прогноз ўз ғносеологик табиатига кўра гипотезани илгари суришга яқин туради. Аммо гипотеза – ўтмишни ҳам, ҳозирги замонни ҳам, келажакни ҳам билишга тадбиқ этиладиган мантиқий шакл, бўлса, прогноз келажакка ёки ҳали маълум бўлмаган ҳозирги давр муаммоси ва тенденциясига қараб мўлжал олади.

Маълумки, ижтимоий башоратнинг хусусиятини қайд этиш учун “прогноз” тушунчаси муомалага киритилган. Прогноз башоратнинг алоҳида шакли бўлиб, у ижтимоий жараёнларни ўрганишда юқори даражада илмий асосланганлик ва объективлик билан ажралиб туради. Илмий башоратнинг

бошқа шаклларида фарқли ўлароқ прогноз – бу ўз методологияси ва техникасига эга бўлган махсус тадқиқотдир.

Ғарб мамлакатларида ижтимоий прогноз “футурология” (лот. futurum – келажак ва юнон. logos – таълимот) деган ном билан вужудга келган. Бу атамани илк бор Ғарбий Берлин Эркин университети ҳузуридаги Отто Зур номидаги институт профессори О.Флехтгайм ишлатган. Шунинг қайд этиш лозимки, «футурология» атамаси ҳалигача умумий даражада эътироф этилгани йўқ. Мисол учун, прогноз муаммолари бўйича француз мутахассисларининг аксарияти футурология инсоннинг келажакни ишонч билан башорат қилиш қобилияти ҳақида хом хаёл қилиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Футурология ўрнига «фьюрибли» атамаси таклиф қилинган бўлиб, у «эҳтимол тутилган келажак» деган маънони англатади. Бунда келажакнинг шартлилиги ва кўп вариантлилигига урғу берилади.

Ўзбекистонда ижтимоий прогноз билан боғлиқ тадқиқотлар «прогностика» деган ном олган. Бу ёш фан прогноз қилиш қонунлари, тамойиллари ва методларини ўрганади, ҳар хил типдаги прогностик тадқиқотларнинг таснифларини ишлаб чиқади. У эндигина шаклланиш даврини бошдан кечирмоқда, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ келажакнинг илмий муқобилларини яратишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ижтимоий соҳанинг бирон-бир жараённинг ривожланиш қонуни маълум бўлса, бу жараённи ўрганиш орқали унинг ҳозирги ҳолатини қайд этибгина қолмасдан, балки юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларнинг йўналиши ва хусусияти ҳақида хулосалар чиқаришимиз ҳам мумкин. Шундай қилиб, ижтимоий соҳанинг ҳозирги ҳолатида зоҳир бўлган имкониятлар, тенденциялар ва қонуниятларни англаб етиш мумкин

Шу билан бирга, илмий прогнозни сохта башоратгўйликдан фарқлаш зарур. Одатда, сохта башоратгўйлик объектив жараёнларни ўрганишга эмас, балки субъектив ўзбошимчаликка, яъни кўнглига келган фикрни илгари суришга асосланади. Ижтимоий прогноз бундан фарқли равишда фактларга ҳамда илмий хулосаларга таянади. Илмий хулоса эса уч функцияни: а) синтез

қилиш, б) тушунтириш, с) прогноз қилишни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, илмий хулоса социал соҳадаги мавжуд ҳолатни тушунтиради ва унинг ривожланиш тенденциясини башорат қилади. Бинобарин, илмий прогноз назариядан ва илмий хулосадан бошланади. Мисол учун, аҳолининг кўпайиши ва у билан боғлиқ бўлган меҳнат миграциясини олайлик. Миграция ҳозирда ҳар қандай жамият олдида турган муаммодир. Хусусан, Ўзбекистондан четга ишга кетаётган мигрантлар (Россияда уларни “гастербайтерлар” деб аташади) муаммосини Ўзбекистонда социология фанида ўрганиш ҳали дастлабки босқичда. Масалан бу соҳада бор йўғи дастлабки номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, холос[2.63]. Лекин бу миграция жараёнларини илмий прогнозлаш учун етарлими?

Албатта, бу етарли эмас. Бу муаммо умумбашарий мазмун касб этаётган экан, унинг илмий прогнози учун кенгроқ миқёсдаги тадқиқотлар зарур бўлади. Бунинг учун миграция ва бошқа глобал муаммоларни илмий ўрганишнинг социологик институтларини ташкил этиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий прогноз келажакни муайян тарзда даврийлаштиришни ҳамназарда тутди. Келажак ҳақидаги билимлар ҳозирги даврдан узоқлашишига қараб ўзининг конкретлик ва аниқлик хоссаларини йўқотиб, узоқ келажак ҳақида сўз юритади. Бевосита келажакнинг вақтдаги чегараси 30 йилдан ошмайди. Илмий кашфиёт яратилганидан у амалда гавдалантирилгунга қадар тахминан 20 йил вақт ўтади. Шунга асосланиб иқтисодиётнинг ёки ижтимоий соҳанинг XXI асрнинг 40-йилларидаги технологик даражаси ҳақида ҳукм чиқариш мумкин. Жорий юз йилликнинг каттагина қисмини қамраб олувчи кўзга кўринадиган келажакка келсак, бизнинг у ҳақдаги билимларимиз, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқатнамо хусусият касб этади ва уларга эҳтиёткорлик билан ёндаша бошлаймиз. Айтайлик, жаҳон аҳолиси сонининг жадал суръатларда ўсиши XXI асрнинг иккинчи ярмида тўхташини, 2100 йилга бориб у тахминан 10-12,5 млрд. кишига етишини кутиш мумкин. Кейинги юз йиллик, яъни XXII чегараси ортида

ётган узок келажак хусусида реал имкониятларга эга бўлмаган турли гипотетик фаразлар қилиш мумкин. Аммо бу фаразлар тарихий муддатлар ва уларнинг ҳаётда гавдаланиш шакллари нуқтаи назаридан ҳатто тахминий баҳолар бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ.

Хўш, инсоният 2100-йилда 10-12,5 млрд кишини ташкил этса, социал соҳанинг аҳволи қандай бўлади? Хусусан, миграция кўлами қайси кўрсаткични ташкил этади? Табиийки, бу каби саволларга жавоб топиш учун миграцион жараёнларни илмий прогнозлаш зарур.

Прогноз қилиш илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёни экан, у асосланган методлар, махсус методикалар ва мантикий воситаларни ҳам талаб этади. Шундан келиб чиқиб, биз тадқиқотимиз доирасида прогностик изланишларимизни социал соҳа муаммоларига оид социологик тадқиқотларорқали мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик.

Жамиятимизнинг трансформациялашуви жараёни кўплаб соҳаларнинг ривожланишида ўзаро боғлиқлик муаммосини вужудга келтириб, бу ўз навбатида жамиятнинг кейинги ижтимоий ривожланиш йўлини, мақсад ва воситаларини танлашни заруриятга айлантди. Ижтимоий сиёсатни амалга оширишдаги муҳим омиллардан бири реал имкониятларга асосланган устувор ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш, мақсад ва воситаларни аниқлаштиришдан иборатдир.

Муаммонинг мураккаблиги мамлакатни ижтимоий ривожлантиришнинг тўғри ва ишончли механизмини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда намоён бўлади. Замонавий ўзгаришларга бардошли, ривожланган иқтисодиётга асосланган ижтимоий соҳани ислоҳ қилишнинг стратегиясини ишлаб чиқиш биринчи даражали муаммога айланди.

Табиийки, бу стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мамлакатнинг демографик нуфузи масаласи муҳимдир. Ўзбекистон дунёнинг 217 мамлакати орасида аҳоли сони бўйича 43-ўринни эгаллайди. Бинобарин, ҳар йили меҳнат бозорига кириб келадиган ярим миллион йигит-қизни иш билан таъминлаш — ижтимоий соҳадаги долзарб вазифалардан биридир. Бу

борада “Ёшлар келажакимиз” дастур ишлаб чиқилди ва бандлик муаммоси асосан туман, шаҳар ва вилоят кесимида ҳал этилишига, битирувчилар учун янги иш ўринлари яратишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Давлат статистика қўмитаси томонидан берилган маълумотларга кўра, ҳозирда мамлакатимизда аҳоли сони 32 121,1 минг кишини ташкил этди. Жумладан, шаҳар аҳолиси сони 16238,5 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,6 фоиз), қишлоқ аҳолиси сони 15882,6 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 49,4 фоиз) ташкил этди. 2016 йил давомида мамлакат аҳолиси сони 545,8 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди. Хусусан, 2016 йилда Жиззах вилоятида истиқомат қилувчи аҳолининг сони 3 миллион 583,9 минг кишига етиб, республика ялпи аҳолисининг 11,2 фоизини ташкил этди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан “Ҳаракатлар стратегияси: сарҳисоб ва истиқболдаги қадамлар” мавзуида жамоатчилик фикри сўрови ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 6 минг нафардан ортиқ юртдошларимиз қатнашди. Сўровнома корхона ҳамда ташкилотлар, вазирлик, идоралар, олий ўқув юртлири ва маҳалла фуқаролар йиғинларида тарқатилиб, аҳоли кенг қатламлари қамраб олинди. Бундан ташқари, www.strategy.uz веб-сайтида алоҳида саҳифа очилди ҳамда уни мобиль алоқа ёрдамида тўлдириш имконияти ҳам яратилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудларда аҳоли таклифлари ҳамда фикрлари ўрганилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, фуқаролар 2018 йилда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, ижтимоий соҳадаги ўзгаришларни ижобий баҳолаганлар. Кам таъминланган оилалар учун арзон уй-жойларнинг қурилиши фуқаролар томонидан, айниқса, кўп эътироф этилган. Масалан, респондентларнинг 89,6 % и давлат бошқаруви органларининг халқ билан мулоқот қилишида, фуқароларга бўлган муносабатида ижобий ўзгаришлар сезганини билдирганлар. Мутлақ катта қисми — 95,7 % и Президентнинг виртуал қабулхонаси ва жойлардаги Халқ қабулхоналари муаммоларга ечим топишда кўл келаятиганини таъкидлаган. Ҳудудларда ҳуқуқ-тартибот

органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериши тартибининг жорий этилишини ҳам юртдошларимиз алоҳида кўрсатиб ўтишган. Эркин валюта курсининг белгиланиши, пенсия, нафақа, иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар учун нақд пуллар ўз вақтида берилиши ҳолати фуқаролар томонидан йил давомида қабул қилинган энг муҳим чора-тадбирлар сифатида белгиланган. Шу билан бирга, ҳамюртларимиз жорий йилда ички ва ташқи йўлларнинг қурилиши ҳамда таъмирланиши жадаллашганини эътироф этган ҳолда, бу ишлар ҳали етарли эмаслигини ҳам (40,4 %) ифодалашган.

Кам таъминланган оилалар учун арзон уй-жойларнинг қурилиши, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли қўллаб-қувватлаш, 11 йиллик мактаб таълимининг жорий қилиниши, дори воситалари нархларининг чегараланиши ижтимоий соҳада олиб борилган муҳим чоралар сифатида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, респондентларнинг 41,6 % и фикрича, 11 йиллик мактаб таълимининг қайта тикланиши маориф самарадорлигини оширади, 37,8 фоизи эса бу ўқувчилар ахлоқи яхшиланишини таъминлайди, деб билади. Сўровда қатнашганларнинг 21,1 % и олий таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш кераклигини билдирган.

Бундан ташқари, “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга ошириш бўйича жамоатчилик фикри сўрови, бошқа тадбирлар давомида 120 та лойиҳа саралаб олинди. Улар орасида, жумладан, ички ишлар органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотномаларни ИИВнинг расмий веб-сайти ёки my.gov.uz сайтлари орқали олиш имкониятини яратиш, чет элдаги консуллик идораларида паспорт алмаштириш ва бошқа шунга ўхшаш амалиётларни тўлиқ автоматлаштириш ҳисобига фуқароларимиз учун янада қулайликлар яратиш каби қатор таклифлар ўрин олган.

Юқорида келтирилган ижобий тенденциялар мамлакатимизда жамият ҳаёти, унинг ижтимоий соҳаси янги босқичга кўтарилиб, ўз ривожига инновацион тараққиётга тўла асосланиб бораётганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Свидерская В.В. Основы социального прогнозирования – Комсомолск-на Амуре, 2010, с 54.
2. Парманов Ф.Я. Миграция жараёнларини бошқаришда инсон омили. Социология ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.- Тошкент, 2012.-Б.63